Ушбу сонда:
2 СЎМНИ ТЕЖАБ МИЛЛИОННИ БОЙ БЕРМАЙЛИК
3 ЁШЛИК, ШИЖОАТ ВА МАҲОРАТ БАЙРАМИ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 24 май, шанба № 81 (1506)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТНИНГ НАМАНГАНДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фарғона водийсига сафарининг иккинчи куни - 23 майда Наманган вилоятига ташриф буюрди.

Наманган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, хусусан, пахтачилик ва ғаллачилик соҳасида мамлакатимизда ўз ўрнига эга вилоят. Бу йил вилоятда 94 минг гектар майдонга чигит, 78 минг гектар ерга ғалла экилган. Бу йилги ёғингарчиликнинг меъёридан анча ортиқ бўлгани туфайли вилоятда ғўза ривожи ўтган йилгига нисбатан бирмунча кечикмоқда.

Ислом Каримов Уйчи туманининг Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги далаларини айланар экан, туман ва хўжалик раҳбарлари, деҳқонлар билан зарур агротехник тадбирлар орқали ғўза ривожидаги бундай кечикишни бартараф этиш мумкинлиги ҳақида суҳбатлашди. Президентимиз фермерлар, ширкат аъзолари ва пудратчиларнинг даромадлари, турмуш шароити билан қизиқди.

Юртбошимиз хўжаликнинг бошоқлаб турган ғаллазорларини кўздан кечириш асносида миришкорларнинг ҳосилига барака тилади.



Шундан кейин мамлакатимиз раҳбари «NESTLE» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасига ташриф буюрди.

Мазкур корхона ойига 1 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Юртбошимиз табиий сут, бананли сут, газланган ва газланмаган маъданли сув, болалар озиқаси каби ўндан зиёд маҳсулот тайёрланадиган цехлардаги технологик жараёнларни кўздан кечирди. Ислом Каримов корхона мутасаддилари ва мутахассислар билан мулоқоти чоғида қўшма корхона истиқболлари хусусидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Президентимиз Наманган шаҳрининг Амир Темур кўчасида - 14 гектарлик майдонда бунёд этилаётган «Ёшлар спорт мажмуи» қурилиши билан танишди. Мажмуа таркибида амфитеатр, сунъий кўл, аквапарк, спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича клублар барпо этилиши мўлжалланмоқда. Давлатимиз раҳбари бу улкан дам олиш мажмуи келгусида вилоят аҳли учун муносиб истироҳат ҳамда спорт масканига айланиши учун қандай ишларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги хусусида ўз таклифларини билдирди.

Юртбошимиз Шарқий ҳарбий округнинг Чортоқ туманида жойлашган сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам бўлиб, бу ерда барпо этилаётган объектлардаги ишларни тезлаштириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

- Сержантлар армиянинг асосий суянчи ва таянчидир,- деди Ислом Каримов. - Бундай мактабларда таҳсил олгач, сержантларимизнинг нафақат ҳарбий маҳорати юксалади, айни пайтда улар ҳарбий хизматни жон-дилидан севадиган, Ватанга хизмат қилишни қадрлайдиган инсонлар бўлиб вояга етади.

Мамлакатимиз раҳбари шаҳардаги «Паҳлавон» спорт мажмуини ҳам кўздан кечирди.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари бўйлаб сафари ниҳоясига етди.

Ғулом МИРЗО,
Илҳом РАЗЗОҚОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ёшлар муаммоларига оид илмий тадқиқотларнинг аҳволи ва истиқболига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлди. Тадбир Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси томонидан ташкил этилди.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Мазкур қўмита раиси Азамат Зиё бошқарган ушбу тадбирда мамлакатимиз ёшларининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ айрим йўналишлар, муаммоларни илмий жиҳатдан ўрганишнинг бугунги аҳволи муҳокама этилди.

Анжуман қатнашчилари социология, сиёсий онг, маънавий-ахлоқий тарбия, соғлиқни сақлаш, бурч тушунчасини шакллантириш, ёшлар билан ишлаш каби долзарб йўналишларда олиб борилаётган илмий изланишлар бўйича ўз қарашларини баён этди.

Анжуманда бу борада амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш, умумий ёндашувларни шакллантириш, тегишли бошқарув идоралари ва илмий муассасалар ҳамда олимлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш лозимлиги таъкидланди.

(ЎзА)

В.П.ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

Барчангизни - ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчиларни, бутун кўпмиллатли жамоани корхона ташкил этилганлигининг 70 йиллиги муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Авиация саноати давлатнинг илмий ва техникавий имкониятларини, унинг иқтисодий қудрати ва хавфсизлигини белгилаб берадиган асосий тармоқлардан биридир.

Ўзбекистон саноатининг байроқдори бўлмиш сизларнинг бирлашмангиз ўзининг бой меҳнат анъаналари, ноёб ишлаб чиқариш базаси, ғоят катта интеллектуал салоҳияти билан ушбу жараёнга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳаётимнинг энг яхши йиллари ўтган ушбу корхонада юқори малакали мутахассисларнинг фидокорона меҳнати билан бунёд этилган қанотли машиналар деярли барча қитъалар узра парвоз қилиб, мустақил Ўзбекистоннинг шон-шуҳратини тобора юксалтирмоқда.

Бирлашманинг Ильюшин номидаги тажриба-конструкторлик бюроси, Антонов номидаги тажриба-конструкторлик бюроси каби етакчи конструкторлик ташкилотлари билан йўлга қўйган самарали ҳамкорлиги турли хил ҳаво кемаларининг бутун бир туркумини ўзлаштириш имконини берди. Бугунги кунда замонавий, тубдан янгиланган ИЛ-76 транспорт самолётларининг кўплаб ишлаб чиқарилаётгани, ўртача масофаларга учувчи, йўловчи ташийдиган, янги авлодга мансуб ИЛ-114 ҳаво лайнерини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани - бутун бирлашма жамоасининг сабот-матонат ва қунт билан қилган меҳнати натижасидир.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, барча меҳмонларимизга - Россия Федерациясининг намояндалари ҳамда улар орқали кооперация асосида ҳамкорлик қилувчи корхона ва ташкилотларнинг жамоаларига, Ильюшин номидаги тажриба-конструкторлик бюроси, Миль номидаги конструкторлик бюроси ва заводи вакилларига, Давлатлараро авиация қўмитаси ва Россия қуролли кучларининг вакилларига, бир сўз билан айтганда, бугунги муваффақиятларга эришишда бирлашмани қўллаб-қувватлаган ва унга ёрдам берганларнинг барчасига алоҳида миннатдорлик ҳис-туйғуларини изҳор этаман.

Бундай муваффақиятларга иқтисодиётнинг бозор моделига ўтишдек мураккаб шароитларда эришилгани, айниқса, диққатга сазовордир. Шу йиллар мобайнида бирлашмада ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш борасида тажриба тўпланди, жаҳон авиация техникаси бозорида қизғин иш олиб борилди. Бирлашма томонидан бутун дунёга машҳур «Боинг» компанияси билан ўзаро манфаатли ишлаб чиқариш муносабатлари ўрнатилгани, жаҳон авиасозлик саноатининг илғор вакиллари бўлган «Прайтт энд Уитни», «Коллинз», «Эллайд Сигнал» фирмалари билан ҳамкорлик алоқалари боғланганини таъкидлаш лозим.

Ишончим комилки, бирлашма меҳнат жамоаси бундан буён ҳам жаҳон авиасозлиги билан фаол интеграциялашув жараёнларида фаол иштирок этиб, ўз бурчига садоқат ва чинакам ватанпарварлик фазилатларини намоён этаверади.

Азиз дўстлар, ҳаммангизга чин қалбдан мустаҳкам соғлик, ишда янгидан-янги муваффақиятлар, оилангизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Самимий эҳтиром ва миннатдорлик туйғулари билан

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
Қ А Р О Р И

Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Назорат-касса машиналарининг техник ҳолати ва уларнинг тўғри қўлланилиши учун жавобгарликни ошириш, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилансинки, назорат-касса машиналарини мамлакатимизда ишлаб чиқарувчилар, уларни етказиб берувчилар ва улардан фойдаланувчилар, шунингдек уларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш корхоналари фойдаланилаётган назорат-касса машиналарининг белгиланган техник талабларга мувофиқлиги, машинанинг даромад яширилишига кўмаклашувчи фискаль хотирасига хизмат кўрсатувчи дастурнинг ноқонуний ўзгартирилганлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликкача бўлган тартибда жавоб берадилар.

2. Белгилаб қўйилсинки, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар фискаль хотирага хизмат кўрсатиш дастури бузилган ҳолда техник талабларга мувофиқ бўлмаган назорат-касса машиналаридан фойдаланган тақдирда улардан солиқ органлари томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида, қоида бузиш такрорланганда эса - энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорида жарима ундирилади.

Мазкур қарорга мувофиқ солиқ органлари томонидан солинган жарима қоида бузувчи томонидан тўланмаган тақдирда, суд ижрочилари ундирувни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда айбдор шахснинг мол-мулкига қаратишга ҳақлидир.

3. Назорат-касса машиналарига техник хизмат кўрсатишни ва уларни таъмирлашни амалга оширувчи корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар уларни таъмирлаш ҳамда пломбалаш бўйича талабларга қатъий риоя этилиши учун жавоб берадилар, фискаль хотирага хизмат кўрсатиш дастурларининг ноқонуний ўзгартирилиши ҳоллари тўғрисида солиқ органларига дарҳол хабар қилишлари шарт.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги янги низомни ушбу қарорга мувофиқ ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти назорат-касса машиналарини қўллаш ва улардан фойдаланишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан назоратни кучайтирсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Азизов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 23 май

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, божхона органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ ва божхона органлари академиясининг «Божхона иши» факультети ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона коллежи негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Олий ҳарбий божхона институти божхона иши соҳасида кадрларнинг базавий касб тайёргарлигини амалга оширади;

Олий ҳарбий божхона институтига ўрта ва ўрта махсус, касб- ҳунар маълумотига эга бўлган шахслар қабул қилинади;

бакалаврлар тайёрлаш дастури бўйича тингловчилар 4 йил, магистрлар тайёрлаш дастури бўйича 2 йил ўқитилади;

тингловчиларнинг Олий ҳарбий божхона институтида ўқиш даври божхона органларидаги хизмати стажига қўшилади;

Олий ҳарбий божхона институтига Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Давлат божхона қўмитасининг раиси томонидан лавозимга тайинланадиган бошлиқ бошчилик қилади;

Олий ҳарбий божхона институти негизида божхона органлари ходимлари учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкил этилади.

3. Қуйидагилар Олий ҳарбий божхона институтининг асосий вазифалари ҳисобланади:

кадрларнинг базавий касбий тайёргарлиги, уларнинг билимларни замонавий талаблар даражасида эгаллаши, божхона органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек тингловчиларда касб вазифаларини бажариш учун зарур бўлган барқарор ахлоқий-психологик фазилатларни ва бошқа фазилатларни қарор топтириш;

республиканинг иқтисодий хавфсизлигини виждонан ҳимоя қилишга қодир бўлган ижтимоий фаол, ҳалол ходимларни тарбиялаш;

ўқув-тарбия жараёнининг божхона органлари олдида турган вазифаларни ҳал этишга энг юқори даражада амалий йўналтирилганлигини таъминлаш, шунингдек замонавий ўқув технологияларини, амалий тайёргарликнинг интерактив шакллари ва усулларини жорий этиш асосида ўқув-тарбия жараёнини узлуксиз такомиллаштириш;

божхона иши соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, божхона органлари фаолиятининг шакллари ва усулларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлаш;

божхона органлари учун кадрлар тайёрлашнинг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш, хорижий мамлакатларнинг шу каби ўқув бўлинмалари билан амалий, методик айирбошлаш бўйича алоқалар ўрнатиш;

божхона иши соҳасида кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлаш;

Олий ҳарбий божхона институтининг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув, ўқув-методик, илмий, ахборот-маълумотнома адабиётлари тайёрлаш ва нашр этиш;

тингловчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлиги бўйича самарали ишларни ташкил этиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Божхона коллежида таълим олаётган курсантлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастури бўйича ўқишни қисқартирилган курс бўйича бир йил мобайнида ўша жойда тугаллайдилар;

Солиқ ва божхона органлари академиясининг «Божхона иши» факультети тингловчилари Олий ҳарбий божхона институтининг тегишли курсларига ўтказилади.

5. Олий ҳарбий божхона институтининг тузилмаси тасдиқлансин.

Олий ҳарбий божхона институти бошлиқлар ва профессор- ўқитувчилар таркибининг штатдаги ходимлари сони, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона коллежининг мавжуд штатдаги 66 нафар ходими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ ва божхона органлари академиясидан берилаётган 46 нафар ходим ҳисобига 112 нафар (хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари) этиб белгилансин.

6, Олий ҳарбий божхона институтининг бошлиқлари, профессор-ўқитувчилари таркибига ва тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ходимларининг тегишли тоифалари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, имтиёзлар, буюмлар ва озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамда бошқа зарур нормалар, шунингдек хизматни ўташ тартиби жорий этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (Б.Парпиев) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (С.Ғуломов) ва Молия вазирлиги (М.Нурмуродов) билан биргаликда бир ой муддатда Олий ҳарбий божхона институти тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

(Давоми 2-бетда)

МИСРЛИКЛАР ТАШРИФИ

Куни-кеча мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан танишиш ва тажриба алмашиш мақсадида Миср Араб Республикасидан бир гуруҳ касаба уюшма ходимлари ташриф буюришди. Улар ичида Миср Араб Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Президенти Абдул Жавод Исмоил, мазкур ташкилот вице президенти Али Амир Исмоил Исса ва котиби Мухтор Жорбатий Ҳасанлар бор.

Делегация аъзолари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида қабул қилинди. Учрашувда меҳмонлар Миср Араб Республикасидаги иқтисодий ўзгаришлар, тармоқ касаба уюшмалари тажрибалари ҳақида сўзлаб беришди.

Шундан сўнг улар Республика «Шошилинч ёрдам» тезкор тиббий марказига ташриф буюриб, у ерда беморларга кўрсатилаётган ёрдам ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолияти билан атрофлича танишдилар. Мамлакатимиз пойтахтининг диққатга сазовор жойларини бориб кўришди. Делегациянинг Зангиота туман марказий касалхонаси касаба уюшма ташкилоти фаолияти билан танишувлари ҳам қизиқарли кечди.

— Мамлакатингиз билан танишув бизда катта таассурот қолдирди, - дейди делегация раҳбари Абдул Жавод Исмоил. — Тармоқ касаба уюшмаларидаги амалга оширилаётган ишлар ҳам ниҳоятда диққатга сазовордир. Хуллас, Ўзбекистонга келиб, юртингиз ҳақида бой тасаввурга эга бўлдик.

Меҳмонлар Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳрида ҳам бўлиб, тарихий жойларни зиёрат қилишди.

Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

8. Давлат божхона қўмитаси (Б.Парпиев) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (С.Ғуломов) билан биргаликда:

бир ой муддатда Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида божхона иши йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва дастурларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Давлат тест маркази билан келишган ҳолда бир ой муддатда Олий ҳарбий божхона институтига саралаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тақдим этсин;

2003/2004 ўқув йили бошлангунга қадар Олий ҳарбий божхона институти профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида юқори малакали илмий-педагог кадрлар билан тўлдирсин;

Олий ҳарбий божхона институтида ўқув машғулотлари жорий йилнинг 1 сентябридан бошланишини таъминласин;

2003/2004 ўқув йилида Олий ҳарбий божхона институтига бакалаврлар тайёрлаш дастури бўйича 125 нафар тингловчи қабул қилинишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Ж.Сайфиддинов) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг маблағлари ҳисобига олинган мол-мулк ва автотранспортнинг тегишли қисми балансдан балансга текин берилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (М.Нурмуродов):

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ ва божхона органлари академиясининг харажатлар сметаси ва штат жадвалига тегишли ўзгартиришлар киритсин ҳамда Олий ҳарбий божхона институти таъминоти учун бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин;

2004 йилдан бошлаб Олий ҳарбий божхона институти таъминоти учун зарур маблағлар белгиланган тартибда ажратилишини назарда тутсин.

Белгилаб қўйилсинки, Олий ҳарбий божхона институти бинолари, иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва унинг моддий-техника таъминоти Давлат божхона қўмитасининг моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя қилиш ва божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

11. Давлат божхона қўмитаси (Б.Парпиев) Молия вазирлиги (М.Нурмуродов) билан биргаликда Олий ҳарбий божхона институтини бир ой муддатда озиқ-овқат, ашёвий мол-мулклар, ўқув анжомлари, мебель ва казарма жиҳозлари, озиқ-овқат хизмати ашёлари билан таъминлаш нормасини ҳамда тегишли автотранспорт воситалари табелини тасдиқласин.

12. «Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмаси, «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси, «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниялари ва «Ўздавзахира» бош бошқармаси Олий ҳарбий божхона институти тингловчиларини хизмат кийимбоши ва озиқ-овқат билан таъминлашда кўмаклашсинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Ж.Сайфиддинов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (С.Ғуломов) Молия вазирлиги (М.Нурмуродов) билан биргаликда «Божхона иши» факультетининг Олий ҳарбий божхона институтига берилиши муносабати билан Солиқ ва божхона органлари академияси тўғрисидаги Низомга, шунингдек Тошкент, Бухоро ва Фарғона шаҳарларидаги солиқ коллежлари тўғрисидаги низомларга тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ коллежини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 14 июлдаги 298-сон, «Бухоро ва Фарғона шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг солиқ коллежларини ташкил этиш тўғрисида» 2000 йил 4 майдаги 178-сон ҳамда «Солиқ ва божхона органлари академиясини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 10 январдаги 16-сон қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона коллежини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 13 июлдаги 297-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Азизов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 май



Чорвачилик – қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи. У қанчалик яхши равнақ эттирилса, юртимиз иқтисодий йўналишига улкан ютуқлар келтиради. Тошлоқ туманидаги «Заркент» ширкат хўжалигида чорвачиликни ривожлантириш, зотдор қорамол ва қўй-қўзиларни кўпайтириш, уларнинг парваришига алоҳида эътибор берилиши ҳам айни шу мақсадга йўналтирилгандир. Хўжалик чорвадорлари вилоятда биринчи бўлиб қўзи олиш шартномасини бажарди. Мавсумда 1306 бош она совлиқнинг ҳар бир бошидан бир бош «Саража» наслли соғлом қўзи олишга эришилди.

Суратда: «Илҳом» қўйчилик фермаси мудири К.Боймуродов.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Меҳнат муҳофазаси

СЎМНИ ТЕЖАБ МИЛЛИОННИ БОЙ БЕРМАЙЛИК

Сирдарё автомобил йўллардан фойдаланиш бошқармаси, касаба уюшма қўмитаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга оғишмай амал қилиб келмоқда. Бунинг натижасида кейинги икки йилда ходимлар ўртасида бахтсизлик ҳолати содир бўлмади. Энг муҳими бу борада мўлжалланган маблағлар жойига сарфланиб, йўлсозларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя этиши таъминланаяпти. Маъмурият ва касаба уюшма ташаббуси билан 54 нафар мутахассис ва раҳбар ходимлар меҳнат муҳофазасига доир ўқув курсларида ўз билимларини оширдилар.

Техника хавфсизлигини таъминлаш мавсумий вазифа эмас. Шу боис вилоятимиздаги бир қатор ташкилот ва корхоналар мутахассислар ўқувини ташкил этишга катта эътибор бераяптилар. Хусусан, «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси, «Сирдарёдонмаҳсулот» корхонаси вилоят насос станциялари бошқармаси, «Гулистонёғэкстракт» ҳиссадорлик жамиятида турли ўқув ва амалиёт машғулотлари ўтказилиб, муҳандис, техник ходимлар, раҳбарлар жалб этилди. Уларнинг бу борадаги билимлари муттасил синовдан ўтказилмоқда. Албатта бу саъй-ҳаракатлар кўнгилсизликлар рўй беришининг олдини олмоқда.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, техника хавфсизлигига беписанд қаровчилар ҳам орамизда йўқ эмас. Бозор иқтисоди шароитида тежамкорликни шиор қилиб, миллионларни бой бераётганлар ҳам бор. Энг ачинарлиси, бу долзарб вазифа бошланғич касаба уюшма ташкилотлари назаридан четда қолаётир. Бундайлар сирасига «Қишлоқхўжаликкимё», «Мирзачўлқурилиш», «Коммуналфойдаланиш», «Сирдарётранс» корхоналарини киритиш мумкин.

Таъбир жоиз бўлса, вилоятда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ана шу эзгу ишларда вилоят қурилиш бошқармаси ҳам фаол иштирок этиб келаяпти. Лекин қурилиш нуқталарини фойдаланишга топширишда қабул комиссияси таркибига давлат меҳнат техника нозирининг киритилмаётганига ҳайрон қолади киши. Ахир ҳар бир бино нафақат бугунги кунга, балки келажакка ҳам хизмат қилади. Шу боис мутахассисларимиз давлат стандарти талабларига зид, яроқсиз материаллардан фойдаланиш даражасини аниқлаб, тегишли йўл-йўриқ, маслаҳатларини беришса фойдадан ҳоли бўлмасмиди. Қолаверса, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилган.

Бобо НИЗОМОВ,
Сирдарё вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бош давлат меҳнат техник нозири.

Жиззах томонларда

ЯНГИ АЪЗОЛАРГА - ИМТИЁЗЛАР

Вилоят кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари ҳамда савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшма қўмиталарининг бирлашиб, ягона касаба уюшмалари кенгаши ташкил этиш ҳақида қўшма Пленум йиғилиши ўтказилгач, ташкилий масалаларда иш қизиб кетди.

Ҳозирги пайтда Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманларида 21 та бозор ишлаб турибди. Уларда юзлаб хўжалик юритувчи субъектлари тадбиркорлик фаолияти, тижорат ишлари билан банд. Афсуски, уларнинг барчаси ҳам бугунги кунда ўзларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари юзасидан касаба уюшмаларига бирлашмаган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар. Бу эса ўз навбатида турли муаммоларни келтириб чиқармоқда.

- Энг аввало жойларда фуқароларга касаба уюшма аъзолиги ҳақидаги масалани атрофлича тушунтириш, меҳнат кишисини ҳуқуқий, иқтисодий ҳимоялаш, уларнинг фарзандларини, оила аъзоларини соғломлаштириш каби долзарб ишлар касаба уюшмалари орқали амалга оширилишини тарғиб этаяпмиз,- дейди вилоят тармоқ касаба уюшмалари кенгаши раиси Турғун Қучқунов. - Бунда бозорлар мутасаддилари, туман ҳокимликлари бизга яқиндан кўмак беришаяпти. Бу борадаги ишлар Жиззах шаҳридаги «Эски шаҳар», «Кўк бозор»да анча жонланиб қолди.

Эндиликда бозорлар маъмурияти ва касаба уюшмалари ўртасида «Жамоа шартномаси», «Ички меҳнат тартиби қоидалари» сингари меъёрий ҳужжатлар ҳам амалга киритилади. Муҳими, касаба уюшма аъзоси бўлган тадбиркор ҳар тарафлама муҳофаза этиладиган бўлди.

ЯНА БИР САВДО МАРКАЗИ

Шаҳарнинг Ш.Рашидов номли шоҳ кўчасида «Дунё» савдо маркази иш бошлади. 200 квадрат метр саҳнли ушбу масканда 6 та бўлим бўлиб, харидорлар учун барча қулайликлар яратилган.

Аҳоли шу ернинг ўзида аёллар сартарошхонаси, маникюр, педикюр, суратхона хизматидан фойдаланиши ҳам мумкин.

Корея, Туркия сингари кўплаб мамлакатларда бўлганман, – дейди хусусий тадбиркор, савдо уйи раҳбари Муҳаббат Одилова. – Шу боис уларнинг тижорат соҳасидаги тажрибаларини ўзимизда қўллашга аҳд қилдим. Натижада оиламиз аъзолари билан бамаслаҳат мана шу бинони қуриб битказдик.

Қувонарлиси шундаки, мазкур савдо уйида 20 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

ВИЛОЯТДА ТЕАТР КУНЛАРИ

Айни кунларда Жиззах вилояти туманларида Ю.Ражабий номли мусиқали драма ва комедия театрининг «Театр кунлари» муваффақиятли ўтяпти.

Унда «Оқ кема», «Ўлдинг, азиз бўлдинг», «Туянинг сояси» каби асарлар асосида махсус театрлаштирилган дастурлар намойиш қилинмоқда.

Яқинда Фарида Бобожонова қаламига мансуб «Онажоним, онажон» асари театр бош режиссёри Илҳом Норматов томонидан саҳналаштирилиб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Театр кунлари вилоятнинг Мирзачўл, Пахтакор, Ғаллаорол туманларида муваффақиятли ўтди. Ундан тушган маблағ вилоят театри ривожи учун сарфланадиган бўлди.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Республикамиз жамоатчилиги хавфсизлигини таъминлашда милиция таянч пунктларининг хизмати катта бўлмоқда. Шу ўринда пойтахтимизнинг Акмал Икромов тумани Ички ишлар бўлимига қарашли «Фарҳод» бозори ҳудудини назорат қилувчи милиция таянч пункти ходимларининг фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар доимо гавжум ва сершовқин бозор ҳудудида сотувчилар ҳамда харидорларнинг тинч, эркин ҳаракат қилишлари учун етарли хавфсизлик чора-тадбирларини белгиламоқда.

Масъулиятли касб эгаларининг ҳудудда тезкор профилактик-назорат ишларини амалга оширишлари натижасида жорий йилнинг уч ойи ичида 110 нафар шаҳарда яшовчилар рўйхатида бўлмаган, ишсиз кишилар аниқланиб, дайдилик ва тақсимлаш бўлимига, улар орасидаги вояга етмаган ўсмирлар эса ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жўнатилди. Шу йўл билан улар ўз яшаш манзилларига етказилади. Шунингдек, милиция таянч пункти ходимлари сергаклиги натижасида бозорда бир қанча маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича баённомалар тузилиб, тегишли чоралар кўрилди. Ушбу масъулиятли вазифаларни адо этишда профилактика катта нозири, милиция капитани Ю.Ҳасанов, вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш бўлими раҳбари, милиция майори Т.Шариповларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Умид НОРБОЕВ

КРЕДИТ ТАДБИРКОРГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

Шофирконлик тадбиркор Раҳматжон Исаевнинг корхонасида чарм курткалар, этиклар, аёллар, эркаклар ҳамда болалар пойафзаллари ишлаб чиқарилмоқда.

Тадбиркор Шофиркон туман марказидаги бўшаб ётган бинони сотиб олиб таъмирлади. Ускуналар ўрнатиб, чармни қайта ишлашни йўлга қўйди.

Чармни қайта ишлаш, ундан буюмлар тикиш биз учун янги иш, - деди Р. Исаев "Туркистон-пресс" мухбирига. - Бунинг учун мутахассислардан анчагина маслаҳат олишга, ишни ипидан-игнасигача ўрганишга тўғри келди. Эндиликда жамоамиз чармдан хорижникидан қолишмайдиган буюмларни ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотларимизга харидорларнинг талаби катта.

Айни пайтда тадбиркор ишлаб чиқаришни кенгайтиришга аҳд қилиб, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Шофиркон бўлимидан 7 миллион сўм кредит олди.

ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁР

Олот туманидаги "Олоттекс" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ўзининг дастлабки маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади.

Қўшма корхонада "Бухоротекс" акциядорлик жамияти улуши 49 фоизни, Швейцариянинг "Виматекс интер" фирмаси улуши 51 фоизни ташкил этади, - деди унинг директори Жуманазар Абдуназаров "Туркистон-пресс" мухбирига. Юзлаб йигит-қизлар яхши ҳунар ва ишга эга бўлишди.

Ж. Абдуназаровнинг таъкидлашича, корхона биноси қурилиши учун "Асакабанк" 4,5 миллион доллар миқдорида кредит ажратди. Цехлардаги ускуналарни Туркия ва германиялик мутахассислар ўрнатиб, ишга туширди. Корхона тўла қувватга эришгач, йилига тонналаб ип-калаваси ва 6 миллион погонметр хомсурп ишлаб чиқаради.

«Ишонч» фош этади

ПАХТА ЎРНИГА ҚОВУН

ва шоли етиштириб, хўжаликка катта миқдорда моддий ва маънавий зарар етказган кимсалар қисмати

Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида баъзи жойларда пахта етиштирилиши мўлжалланган унумдор ерларга полиз экинлари, шоли экилаётганлигининг хунук оқибатларини танқид қилиб ўтганди. Шу тариқа ерларни талон-тарож қилаётган, кўзбўямачилик билан шуғулланаётганлар фаолиятига муносиб баҳо бериш лозимлигини алоҳида таъкидлаганди.

Пахта юртимиз бойлиги. Уни экспорт қилиш эвазига мамлакатимизга хориж сармояси кириб келади. Бу билан ҳур Ўзбекистонимиз иқтисодий салоҳияти янада мустаҳкамланади, бунёдкорлик ишлари ривожга минади. Умуман оқ олтиннинг мўллиги билан иқтисодий қудратимиз мустаҳкамланиб, давлат бюджети орқали иш ҳақи, пенсия ва бошқа тўловларнинг муваффақиятли амалга оширилиши таъминланади. Бу оддий ҳақиқатни ким-ким хўжаликларнинг раҳбару мутахассислари яхши билишади. Бироқ, шундай бўлса-да, масъулиятни унутган, лавозимини суиистеъмол қилиб, ғирром ишларга қўл ураётган айрим етакчилар ҳам йўқ эмас.

Зомин туманидаги «Янги ҳаёт» фермер хўжаликлари бирлашмаси раиси Аҳматқул Мажидовга одамлар катта умид билан қарашганди. У бой тажрибаси, ташкилотчилигини ишга солиб, йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этади, асосий экин – пахтачиликни давр талаблари даражасида ривожлантиришга эришади, деб ўйлашганди. Афсуски, хўжалик раҳбари дастлабки кунларданоқ шахсий манфаатини устун қўйди. Фуқаро Шодмонқул Эшонқулов билан ҳеч жойдан рўйхатдан ўтмаган 30 гектар ерга арпа экиш юзасидан ижара шартномаси тузди. Кўзланган мақсадга эришиш учун 1-бўлимнинг суғориладиган 22 гектарига хўжалик ҳисобидан 1 миллион 550 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфласа-да, уни ҳисоботдан яширди. Вақт ўтиши билан гектаридан 25 центнердан жами 55 тонна арпа ҳосили олинди. Ҳамтовоқлар ушбу ҳосилни даромадга олмай ва кирим қилмай, ўзлаштириб, талон-торож қилдилар.

Хўжалик раҳбарига катта имкониятлар берилган. Ориятли, ишонч масъулиятини чуқур ҳис қилган, ўз бахти, қувончини эришилаётган натижаларда, нознеъмат бунёдкорларининг гулгун ҳаётида, деб билган етакчилар туну кун меҳнат қилиб, хўжалик бойлигига бойлик қўшишга ҳаракат қилишади. Бахтга қарши «Янги ҳаёт» фермер хўжаликлари бирлашмаси раиси имконияту иззат-ҳурматни ўзгача тушунди. Киши билмас ишлар давом этди. У ижарачи Ш.Эшонқулов билан маслаҳатни бир ерга қўйиб, сохта шартномага кўра унумдор ва сувли ернинг 22,5 гектарига қовун экирди. Албатта, кўзбўямачилик тегишли ҳисоботларда ўз ифодасини топмади. Боз устига хўжалик чўнтагидан 466.855 сўмлик ёнилғи сарф қилинди. Кейинчалик ёнларига бошқаларни ҳам тортишди. Пировард натижада 3 миллион 700 минг сўмлик полиз маҳсулоти хўжаликка кирим қилинмасдан, ўзлаштириб юборилди. Кейинчалик кўп нарса ойдинлашганда маълум бўлдики, раис ва унинг пулга тузоқ қўйган «ёрдамчи»лари катта миқдордаги полиз маҳсулотини талон-торож қилишган экан.

Ажабланарлиси шуки, хўжалик касаба уюшма қўмитаси, етакчи мутахассислар нопок ишларни сезсаларда, ўзларини кўрмаганга олишди. Аниқроғи, уларда журъат етишмади. Бундан фойдаланган раис «фаолияти»ни давом эттирди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан Жиззах вилоятида шоли экиш таъқиқланган бўлишига қарамасдан, ушбу қарорга зид равишда ҳаракат қилиб, яна синашта таниши Ш.Эшонқулов билан тил бириктириб, 17,8 гектар ердан ими-жимида 18 тонна шоли йиғиштириб олди. Мансабини суиистеъмол қилган раис ва шерикларининг кирдикорлари тегишли идора ходимлари томонидан тафтиш қилинганида, ҳеч жойдан рўйхатдан ўтмаган шартномаларга асосан улар 22 гектарда арпа, 22,5 гектарда қовун, 17,8 гектарда шоли маҳсулоти етиштирганликлари ва шу йўл билан 12 миллион 250 минг сўмни ими-жимида сув қилиб юборишганлиги исботини топди.

Мана бунга нима дейсиз. Хўжаликдаги «Бобур - 2»-фермер хўжалиги бултур 46 гектар ернинг ҳар гектаридан 21 центнердан, жами 96,6 тонна пахта хомашёси ҳамда уруғлик пахта етказиб бериш юзасидан туман пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти билан контрактация шартномаси тузди. Шу мақсад учун корхонадан 4234,8 минг сўм бўнак пули олинди. Бу орада май-июн ойларида бўлиб ўтган ёғингарчилик фермер хўжалигига катта зиён етказиб, 9 гектар ерга қайта чигит экишга тўғри келди. Бундан фойдаланган А.Мажидов тадбиркорларга чигит қадатмай сирдарёлик таниши М.Хўжамқуловга шу ерда қовун етиштириш учун рухсат бериб юборди. Натижаси маълум. 180 тонна қовун эгри йўллар билан сув қилиниб, катта маблағ жиғилдонга урилди.

Қаерда ўзаро талабчанлик бўлмаса, келишувчанлик йўли тутилса, қинғир ишлар кўлами кенгаяверади. Раис кўрдики, бирон кимса эътироз билдираётгани йўқ. Айтгани айтган, дегани деган. Бундан фойдаланмай бўладими? Шу ўринларда хўжалик раҳбарининг маънавий қиёфаси равшанроқ намоён бўлди.

Нафси ҳакалак отган раҳбарнинг кўзига фақат пул кўринарди. Энди у хўжалик тасарруфида бўлган ва ишониб топширилган марказий қўрғондаги болалар боғчаси, идора-ю мактаб, амбулатория, таъмирлаш устахонаси ва чойхонани иссиқлик суви билан таъминлаш учун ўтказилган қувурларнинг 407 метрини хўжаликка мутлақо алоқаси бўлмаган кимсага бор барака қилиб, сотиб юборди.

Инсон борки, ўз жамоасида, эл-юрт ўртасида яхши ном орттирсам дейди. Ниятига эришиш учун йиллар мобайнида изланади, сидқидилдан тер тўкади. Айниқса, раҳбар киши юзим ёруғ бўлсин, дея жонини жабборга бериб ишлайди. Вақти келса ҳузур ҳаловатдан кечиб, тунларни тонгга улайди. Минг бора таажжубки, «Янги ҳаёт» хўжалиги бошқаруви раиси ҳатто мавжуд имкониятдан унумли фойдаланиш, қадоққўл ижарачиларга шароит яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш ўрнига бир ёқлама фаолият юритди. Ўтган йили хўжаликда белгиланган майдонларга чигит қадаб, мўлжалдаги ҳосилни йиғиштириб олиш учун барча имконият мавжуд эди. Шундай бўлса-да, раис ўз вазифасига масъулиятсизлик, совуққонлик билан муносабатда бўлди. Ижарачилар Мамат Худойқулов, Хайрулло Рисқулов, Шароф Бобожоновларни уруғлик, минерал ўғит ва бошқа моддий техника ресурслари билан таъминламади. Бу каби камчиликлар хўжаликка қимматга тушди: давлатга пахта топшириш шартномавий режаси бажарилмай қолди.

Хўжалик раҳбарининг нафси ҳакалак отиб борарди. Энди у деҳқонлар учун ғоятда зарур бўлган қишлоқ хўжалик техникаларини мансаб ваколатидан фойдаланиб, арзон гаровга сота бошлади. Бунинг учун далиллар кўп. Бирига тўхталайлик. Раис 1988 йилда ишлаб чиқарилган ГАЗ-52 русумли юк автомашинасини, иккита МТЗ-80 русумли тракторни ҳужжатларни қалбакилаштирган ҳолда «яроқсиз» деб ўтказиб юборди. Шум ниятини амалга оширишда кимларнингдир имзоларини қалбакилаштириб, ўтказилмаган йиғилишни ўтказилди ёки қатнашмаган кишиларни қатнашди, деб оғир гуноҳни зиммасига олишгача борди. Ҳаммаси кундек равшан бўлиб, суд орқали жазоланган раис назардан қолди. Саволлар туғилади: наҳотки, шунчаликка борилса, виждонми ё жиғилдон? Пахта майдонларида полиз маҳсулоти, шоли етиштириш бу катта гуноҳни зиммага олиш, тараққиётга тўғаноқ бўлиш-ку!

Раҳбарлик одамлар томонидан кимгадир берилган ишонч кредитидир. Уни умр бўйи ҳалол ва садоқатли меҳнат билан оқламоқ даркор!

Инатулла АЛЬБЕКОВ,
Зомин тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси

ЁШЛИК, ШИЖОАТ ВА МАҲОРАТ БАЙРАМИ

ўз олдига қўйган вазифани адо этди

Дўстлик, ёшлик, шижоат ва маҳорат байрами — «Умид ниҳоллари — 2003» мусобақалари ажойиб якунланди. Гўзал Хоразмнинг турли спорт майдонларида кечган муросасиз баҳслар иштирокчилар ёдида ҳали кўп вақт сақланиб қолади. Зотан, муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли спорт ўйинларининг дастлабкиси ва энг муҳим бўғини бўлган «Умид ниҳоллари» мусобақалари ўз олдига қўйган вазифани тўла-тўкис адо этди. У том маънода ёш, умидли спортчилар учун маҳорат мактабини ўтади.

Ғолиблар ва совриндорларни тақдирлаш маросими ғоят ҳаяжонли кечди. Умумжамоа ҳисобидаги ғолиблардан ташқари алоҳида номинациялар бўйича ҳам ёш иқтидорлилар аниқланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг махсус совғасига навоийлик Антон Тишинко муносиб кўрилди. Мукофотни Олий Мажлис депутати, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова тантанали равишда топширди.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, Фарғонадаги мусобақалардан фарқли ўлароқ, бу галги спорт байрами ўзининг ташкилий жиҳати билан алоҳида таҳсинга лойиқдир. Негаки, бундан бир йил аввал бошланган тадорик кенг қамровда олиб борилди. Айниқса, янги спорт иншоотларини қуриш, эскиларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада вилоятда қисқа вақт ичида бир нечта замонавий спорт иншоотлари қад кўтарди. Бундан ташқари, ташкилотчилар томонидан мусобақа қатнашчилари учун қулай шароитларни яратиб берилди. Уларнинг меҳмонхоналарга жойлашуви, овқатланиши юқори даражада ташкил этилди. Мусобақалар давомида турли кўнгилочар тадбирлар уюштирилди. Хива, Хонқа, Урганч шаҳарларининг диққатга сазовор жойларига қилинган саёҳатларда ўқувчиларнинг қадим Хоразмнинг ўзига хос тарихи ва маданияти билан таништирилиши эса ёш авлод қалбида она Ватанга, қолаверса, тарихий анъаналаримиз, урф-одатларимизга бўлган муҳаббат туйғуларини шакллантириш ва юксалтиришга хизмат қилди.

Дарвоқе, мусобақа мезбонлари ўйинларга пухта тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишди. Улар энг кучли таркибга эга бўлган Тошкент шаҳри жамоаларига муносиб қаршилик кўрсатдилар. Спортнинг жамоавий турлари — волейбол, баскетбол, футбол, гандбол бўйича баҳсларда асосан Хоразм ва Тошкент жамоалари тўқнаш келдилар. Бу вилоятда спортнинг жадал ривожланаётганидан далолатдир.

Учинчи ўринни қўлга киритган фарғоналик ёш спортчилар ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, Наманган ва Андижон вилоятлари жамоалари ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтиш мумкин. Бироқ, кенг имкониятларга эга бўлган Навоий, Самарқанд, Жиззах вилояти вакилларининг ўртамиёна иштироки таажжубланарли ҳол. Ҳолбуки, бу вилоятлар кўплаб замонавий спорт базаларига ҳамда иқтидорли ёш спортчи ва тажрибали мураббийларга эгадир. Айниқса, жиззахliklar ўз вакилларини кузатиш ва кутиб олишнинг осонгина йўлини топишгани ачинарли. Мусобақалардан қайтиб келган спортчиларни Жиззах вокзалида ҳеч ким кутиб олмади. Шу ўринда, мусобақа ҳакамлари фаолиятида ҳам баъзи камчиликлар кўзга ташланганлигини таъкидлаш лозим. Зеро, ҳакамларнинг қўпол хатоларга йўл қўйишлари ёш спортчилар қалбида салбий из қолдириши мумкин.

ҒОЛИБЛАР ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

Куни кеча пойтахт темир йўл вокзалида «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларидан қайтган Тошкент шаҳри ва вилояти жамоалари вакиллари тантанали равишда кутиб олинди. Халқ таълими масъул ходимлари, ота-оналар ғолиб спортчиларни гуллар билан қарши олдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мусобақаларда иштирок этиб қайтаётган мактаб ўқувчиларига махсус поездлар қатнови ташкил этилди. Уларнинг ота-оналари бағрига эсон-омон етиб келишида Ўзбекистон Транспорт ИИБ ходимларидан ташкил топган гуруҳнинг хизмати катта бўлди. Биз шуерда ҳозир бўлган мазкур гуруҳ раҳбари, Транспорт Бошқармаси ХООБ катта нозири, милиция майори Бахтиёр Машариповни суҳбатга тортдик.

— Гуруҳимизга махсус поездни кузатиб бориш вазифаси топширилган эди. Топшириқни аъло даражада бажардик. Мана кўриб турганингиздек, ёш ўғил-қизларимиз манзилларига эсон-омон етиб келдилар. Бу ишда айниқса, гуруҳимиз ходимлари — Сапарбой Худоёров, Икром Қурбонов, Иззатилла Шодмонхўжаевлар саъй-ҳаракат кўрсатишди.

●

РЕЖАЛАР КАТТА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилди. Биргина Урганч шаҳрида «Умид ниҳоллари» мусобақаси олдидан Олимпия заҳиралари коллежининг қуриб фойдаланишга топширилиши, марказий «Хоразм» ўйингоҳида кенг қамровли таъмирлаш ишларининг олиб борилганлиги ана шу эзгу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Кўп йиллик иш тажрибамдан келиб чиққан ҳолда шунга амин бўлдимки, ижобий натижаларга, ғалабаларга эришиш учун, аввалабор мураббийдан ўз касбини пухта эгаллаш, севиш ва ҳақиқий фидойи бўлиш, тинмай изланиш талаб қилинаркан. Зеро, ана шундай фазилатларга эга бўлган мураббийгина улкан муваффақиятларга эришади.

Бир неча йил давомида мактабларда бўлиб, ўқувчи ёшларни кузатдим. Улар орасидан жисмоний бақувват, спорт ихлосмандларини саралаб, кураш тўгараги машғулотларига жалб этдим. Узоқ йиллик тинимсиз машғулотлар, заҳматли меҳнат туфайли шогирдларимдан Қ.Абдалов, Р.Қобулов, О.Абдуллаев, М.Ўрозматов, Ш.Холлиев, Х.Юсупов, Д.Қаландаровлар мамлакат, қитъа ва халқаро мусобақаларда зафар қучдилар.

«Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида бевосита ҳакам сифатида иштирок этдим. Мамлакатимиз ўқувчилари орасида келажакда моҳир спортчилар бўлиб етишиши мумкин бўлган ўнлаб талантли ёшларга дуч келдим. Уларга тўғри йўл кўрсатиш, имкон қадар кўпроқ мусобақаларда қатнашишларини таъминлаш лозим, холос.

Баҳодир БЕКЧОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси, кураш мусобақалари бош ҳаками

Дил сўзлари

БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР КЎРИГИ

Улуғбек ИСМОИЛОВ, «Умид ниҳоллари – 2003» мусобақаларининг оммавий ахборот воситалари билан ишлаш гуруҳи раҳбари:

– Мусобақа мобайнида мамлакатимизнинг вилоят ва марказий рўзномалари, радио ва телевидениелари ходимлари беллашувларни кенг ёритиб бордилар. Шунингдек, бир ҳафта давомида мусобақаларнинг боришини интернет тармоғи орқали бутун жаҳон кузатиб турди. Бунинг учун замонавий компьютерлар, факс, телефонлар билан жиҳозланган матбуот марказлари доимий равишда фаолият кўрсатди. Умуман, мусобақаларни намунали ташкил қилиш ва ўтказиш мақсадида 16 та гуруҳ иш олиб борди. Иштирокчиларнинг биз, ташкилотчиларга билдирган самимий миннатдорчиликлари кўнглимизни кўтарди.

●

Шокир МАДАМИНОВ, Хива тумани болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг етакчи мутахассиси:

– Мусобақага хиваликлар ҳам катта тайёргарлик кўришди. Шаҳар ўйингоҳи жаҳон андозаларига мос келадиган даражада жиҳозланди. Умуман, шаҳримизда 400 миллион сўмлик ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Айниқса, «Хиваагроқурилиш» бошқармаси, 3-кўчма механизациялашган ҳамда 287-хўжаликлараро кўчма жамланмалари, шунингдек, «Раҳмат», «Раҳимбек», «Тўлқинбек» кичик корхоналарнинг қўли гул қурувчилари бунёдкорлик жабҳасида кўпчиликка намуна бўлдилар.

Туманимиз вакиллари мусобақада яхши иштирок этдилар. Регина Габидуллина, Мая Собирова, Шоира Хўжаева, Шоҳиста Абдуллаева ва Юлия Зоидовалар медаллар билан тақдирландилар.

Нуфузли спорт анжумани иштирокчилари «Шарқ гавҳари» дея эътироф этилган қадим Хивамизнинг улуғвор ёдгорликларини томоша қилдилар. Музейларда сақланаётган бой меросимизнинг нодир намуналари билан танишдилар. Санъаткорларимиз томонидан тайёрланган концерт дастурлари эса меҳмонларимизга олам-олам завқ бағишлади.

●

Юлия БАУКОВА, енгил атлетика бўйича олтин медал соҳиби:

– Мен Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 35-мактабнинг 11-синфида ўқийман. Оиламизда дадам бокс билан жиддий шуғулланганлиги боис менда ҳам спортга муҳаббат уйғонган. «Умид ниҳоллари» мусобақаларида енгил атлетиканинг уч сакраш тури бўйича қатнашдим ва ғолиб чиқдим. Бунга эришишимда устозим Владимир Бурматовнинг хизмати катта бўлди. Мусобақа кунлари хотирамда ўчмас бўлиб қолди. Чунки кўплаб дўстлар орттирдим, Хивадек қадимий шаҳарни мириқиб томоша қилдим.

Келгусида Шарқшунослик институтига ўқишга кириб, хитой тилини ўрганмоқчиман. Ана шунда «Универсиада» ўйинлари олтин медалини ҳам қўлга киритаман, албатта.

●

Алексей ШЕВЦОВ, мусобақа совриндори, Сурхондарё вилояти:

Сузиш баҳсларида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилдим. Саралаш баҳсларини муваффақиятли тугаллаб, совриндор бўлдим. Мукофотга ажойиб Хива гиламини туҳфа этишди. Ўтган йили Фарғонада бўлиб ўтган мусобақаларда 15 метрлик масофани 29 сонияда босиб ўтгандим. Бу гал худди шу масофада 27,5 сония натижа қайд этдим. Бу чемпионликка оз қолди, демакдир. Келгуси йилги мусобақаларда албатта ғолиб бўламан!

Гапнинг очиғи, Хоразмдаги сузиш ҳавзаларининг халқаро талабларга тўла мос келишини кўриб ниҳоятда хурсанд бўлдим. Ана шундай ажойиб бассейнларда машғулотлар олиб бораётган хоразмлик тенгдошларимга ҳавасим келди. Барча шароитлар мавжуд «Ҳилол» сиҳатгоҳида дам олиш соатларини кўнгилли ўтказдик.

●

Муяссар ОРТИҚОВА, шоҳмот бўйича кумуш медал соҳиби:

– Мусобақада Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилдим. Жамоавий ўйинда пойтахтликларга ютқазиб қўйдик. Алам қилди. Лекин мусобақа маҳоратимни оширишга катта хизмат қилди, деб ўйлайман. Бизга жуда яхши шароитларни яратиб беришгани учун мусобақа мезбонларига ташаккур айтмоқчиман. Келажакда Ўзбекистонимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга ваъда бераман.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

Якуний натижалар:

1. Тошкент шаҳри - 175 очко
2. Хоразм вилояти - 144 очко
3. Фарғона вилояти - 114,5 очко
4. Наманган вилояти - 107,5 очко
5. Андижон вилояти - 98 очко
6. Бухоро вилояти - 86,5 очко
7. Тошкент вилояти - 86 очко
8. Навоий вилояти - 83 очко
9. Самарқанд вилояти - 69,5 очко
10. Қашқадарё вилояти - 50 очко
11. Қорақалпоғистон Республикаси - 45,5
12. Сурхондарё вилояти - 43,5 очко
13. Жиззах вилояти - 43 очко
14. Сирдарё вилояти - 39 очко.

СПОРТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ – «УМИД НИҲОЛЛАРИ» ҲАҚИДА

Миржалол ҚОСИМОВ, моҳир футболчи, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби:

– Не бахтким, бугун жаҳон ва қитъа миқёсидаги нуфузли мусобақаларда қатнашмоқдамиз. Энг қувончлиси, бу асрий орзуни айнан «Умид ниҳоллари» каби мусобақаларда саф тортган шижоатли ёшларимиз армуғон этишяпти. Умуман, спорт мусобақаларининг уч босқичли тизими жорий этилиши сабабли республикамизда кўплаб замонавий иншоотлар, ўйингоҳлар қурилмоқда. Бу футбол бўйича жаҳон чемпионатини Ўзбекистонда ўтказиш мумкинлигини кўрсатади. Мен қачонлардир бу орзунинг амалга ошишига, унда айнан «Умид ниҳоллари»да тобланган ёшларимиз муваффақиятли иштирок этишига ишонаман.

Рустам ҚОСИМЖОНОВ, таниқли шоҳмотчи, гроссмейстер:

– Балки, сўзим кимларгадир баландпарвоздек туюлар, аммо мамлакатимизда иқтидорли ёш шоҳмотчилар худди осмондаги юлдузлар каби кўп. Қани эди, уларнинг барчасига «Умид ниҳоллари»дек мусобақаларда қатнашиш, маҳорат ва тажрибасини ошириш имкони бўлса. Тилагим, бу каби беллашувлар сони кўпаяверсин, иқтидорли шоҳмотчилар, чемпионларимиз кашф этилаверсин!

Абдулла ТАНГРИЕВ, дзюдо бўйича Бутунжаҳон Универсиада ўйинлари совриндори:

– Менга Бутунжаҳон Универсиадасида совринли-иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаш бахти насиб этган. Ўйлайманки, «Умид ниҳоллари»нинг кўпгина қатнашчилари яқин келажакда мендан ўзиб кетишади. Уларга чин қалбимдан шуни тилайман.

Туман ва вилоят босқичидаги баҳслардан муваффақиятли ўтган жамоамиз республика спартакиадасида ҳам ғолиб бўлишди. Мураббийимиз Ёвбосар Шомуродовнинг барча кўрсатмаларига амал қилиб, кучли жамоалар – Наманган ва Андижон волейболчиларини мағлуб этдик.

Ўзим Урганч туманидаги «Дўрмон» ширкат хўжалигидаги фермер хўжалигида ишлайман. Биз, ишчиларга барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Спорт ва маданий тадбирларга катта эътибор қаратилганлиги спартакиадада ўз исботини топди.

Зулайҳо ТЎЛИЕВА,
Урганч туманидаги «Дўрмон» ширкат хўжалиги аъзоси

* * *

Қоракўл туманида кейинги йилларда спорт ривожи йўлида бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туманнинг 41 та маҳалласида 72 та спорт иншооти, майдончалари мавжуд. Яқинда туманнинг энг чекка Миpқалъа қишлоғида ҳам замонавий соғломлаштириш маскани қурилиб, қишлоқ меҳнаткашларига топширилганлиги барчага қувонч бағишлади. Қишлоқ аҳли, ёшларнинг севимли маскани қурилишига касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Республика Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий бошқарувига спартакиадани ташкил этганликлари учун миннатдорчилик билдираман. Шундай мусобақалар кўплаб ташкил этилишига тилакдошман.

* * *

Нурмуҳаммад ЮСУПОВ,
Қоракўл тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси

Оиламиз билан спортга қизиқамиз. Катта ўғлим Иброҳимжон Тошкентдаги республика Олимпия заҳиралари коллежи талабаси. Кичик ўғлим Абибакр туманимиздаги 6-спорт мактабида тарбияланмоқда. Ўзим ҳам стол теннисм билан доимий тарзда шуғулланиб келаман.

Спартакиадада иккинчи ўринни эгалладим. Кейинги мусобақаларда ғолиб бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Одилжон ХОЛДОРОВ,
Чуст туманидаги «Пахта толаси» ҳиссадорлик жамияти хизматчиси

Касаба уюшма спорти

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Семурғ» соғломлаштириш масканида Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси тармоқ спартакиадаси мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ташриф буюрган 250 нафардан зиёд қишлоқ меҳнаткашлари волейбол, стол тенниси, енгил атлетика, арқон тортиш ҳамда оилавий мусобақалар бўйича баҳслашдилар.

СПАРТАКИАДА ҚУВОНЧЛАРИ

Мусобақа олдидан давлатимиз мадҳияси янграб, қишлоқ спортчилари саф тортишди. Республика Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Ш.Эсонбоев иштирокчиларга беллашувларда омад тилар экан, жумладан шундай деди:

– Спартакиаданинг асосий мақсади кимдир ғолиб бўлиши эмас, балки соҳа ходимлари ўртасида спортоммавийлигини таъминлаш, қолаверса, дўстлик, ҳамжиҳатлик ва якдилликни мустаҳкамлашдан иборат. Зеро, фидокорона меҳнатлари билан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшаётган соҳа фидойилари бошларини қовуштириш, уларнинг соғлиқларини муҳофаза қилиш асосий вазифамиздир.

Дарҳақиқат, икки кун давом этган мусобақалар ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида ўтди. Айниқса, Фарғона, Хоразм, Андижон ва Самарқанд вилоятларидан ташриф буюрган спортчилар мусобақага пухта тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишди. Чунончи, Хоразм ва Андижон вилоятлари жамоалари ўртасидаги волейбол мусобақаси ғоят қизиқарли кечди. Ҳакамлар ҳайъати, мутахассислар ҳамда томошабинлар олқишига сазовор бўлган бу ўйинда хоразмликларнинг қўли баланд келди. Бундан руҳланган хоразмлик соҳа ходимлари бошқа тур учрашувларида ҳам фаол иштирок этишди.

Оилавий спорт ўйинлари ҳам қизғин баҳс ва олқишлар остида ўтди. Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани «Меҳнатобод» ширкат хўжалигидан ташриф буюрган Нурбоевлар оиласи ўз маҳоратларини кўрсатишди. Шунингдек, Қўрғонтепа тумани «Намуна» ширкат хўжалигининг спорт ишлари бўйича йўриқчиси Азамат Юсуфжонов бошлиқ оилавий спортчилар ҳам мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрганликларини исботлашди.

Ғалабага бўлган ишонч ва қатъият Навоий ҳамда Жиззах вилоятлари вакилларига хос бўлганлиги мусобақалар жараёнида кўзга яққол ташланиб турди. Уларнинг ҳар бир чиқишлари иштирокчилар томонидан муносиб баҳоланди.

Спартакиада дастуридан ўрин олган енгил атлетика, арқон тортиш, стол тенниси баҳсларида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сурхондарё ва Наманган вилоятлари шарафини ҳимоя қилган спортчилар ўз маҳоратларини кўрсатишди. Айниқса, Пастдарғом пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ишчиси Олмахон Бозоровага стол тенниси бўйича бас келадиган рақиб топилмади.

Унинг жозибадор ўйин услуби ҳакамлар томонидан юқори баҳоланиб, биринчи ўринга муносиб топилди. Енгил атлетика бўйича эса андижонлик Саиджон Орипов барча рақибларидан устун эканлигини исботлади.

Юқорида таъкидланганидек, спартакиада фермерлар, пудратчилар ҳамда тармоқ касаба уюшма қўмиталари ходимларини янада жипслаштириш йўлида муҳим аҳамият касб этди. Республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган соҳа вакиллари бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашдилар. Бунинг аҳамияти бот-бот эсланди.

Кўтаринки кайфиятда ўтган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида хоразмликлар биринчи, андижонликлар иккинчи, фарғоналиклар учинчи ўринга лойиқ топилди. Спартакиада якунида ташкилотчилар томонидан спортнинг ҳар бир турида ғолиб бўлганларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ,
«Ишонч» мухбири
Ғулом ХИДИРОВ
олган суратлар

ТЎЙГА АҚШЛИК МЕҲМОНЛАР КЕЛИШДИ

Наманган шаҳридан 50 чақиримча олисда, Ўзбекистон билан қўшни Қирғизистон ўртасида баланд девордек юксалган Қоратоғ пойида Тергачи номи билан аталган қишлоқ бор. Косонсой туманининг бу қадимий қишлоғида ажойиб инсонлар яшашади. Улардан бири Эргашевлар оиласидир.

Бу йил оила сарбони Йўлдошбой ака Саматов етмиш беш ёшни қаршилаяпти. Шу боисдан ўғил-қизлар, келин-куёвлар ўзаро маслаҳатлашиб падари бузрукворлари ва волидаи муҳтарамаларининг юбилей тўйларини ўтказишга қарор қилишди. Аввалига кексалар бунга рўйхушлик беришмади, Сайёра келганда, дейишди. Ҳар иккиси, опаларингиз болалари билан эшикдан кириб келса, худди ўша куни тўй.

Ўғил-қизлар, келин-куёвлар бир-бировларига қарашди-ю, жим қолишди. Кошки эди уларнинг ташрифлари осон бўлса. Ахир улар дунёнинг нариги четида, Америка Қўшма Штатларида яшашади-ку!

Бу гап-сўз феврал ойи охирларида бўлиб ўтган эди. Фарзандларининг вилоят марказида ишлайдиган вакили Шуҳратжон барибир тинч тура олмади. Миссури штатидаги Санта-Люс шаҳрига қўнғироқ қилди. Саломалик ва ҳол-аҳвол сўрашганларидан сўнг чол-кампир юбилейлари ҳақида гап очди.

– Ажойиб иш бўлардида, - деди олисдан Сайёра. – Ахир, бизни шу ҳолга етказгунларича озмунча меҳнат қилишганми улар! Лекин мен ҳам, поччангиз ҳам май ойининг иккинчи ярмидан таътилга чиқамиз. Болаларга ҳам мактабдан ўшанда таътил беришади.

Хуллас, опа-укалар гапни бир ерга қўйишди. Шуҳратжон уйга қайтгач, янгиликни опа-укаларига, почча-ю келинларга етказди. Аммо бу тўғрида ота-онага оғиз очмади.

Юбилейга ҳозирлик бораяпти-ю, гоҳ Йўлдошбой ака, гоҳ Салимахон опа «уф» тортиб қўйишди.

Шартмиди шу даҳмазаларингиз! Бу ёқда Сайёралар олисда бўлишса. Улар қайтганда қариндош-уруғлар тўпланишсак кифоя эди-да!

Шуҳратжон уйдагиларга кўз қисиб қўяди:

– Улар келишса, яна ташкил қилаверамиз. Шунгаям ота гўри қозихонами!

Энди Америкадан келадиган меҳмонлар хусусида:

Юқорида номи тилга олинган Сайёра Наманган Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Сал муддат қишлоқдаги мактабда ўқитувчилик

Фахр

қилди. Турмуш ўртоғи Баҳодир Москва Давлат университетининг математика факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. Унинг бу фанга беқиёс қобилиятини инобатга олишиб Москвада олиб қолишди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач эса Тошкентга қайтди ва Ўзбекистон Миллий университетида ишлай бошлади. Орада Сайёра билан тўйлари бўлиб ўтди. Йигит фан номзодлиги диссертациясини ёқлагач, 1996-1998 йилда АҚШнинг Мексика билан чегарадош Алабама штатидаги университетда илмий сафарда бўлди. Ундан сўнг Миссури штатининг Санта-Люс шаҳридаги университетда ишлаш учун йўлланма беришди. Эр-хотин биргаликда ана шу шаҳарга кўчиб кетишди.

Сайёра ҳам уй бекасигина бўлиб қолмади. Турмуш ўртоғи сингари фан сирларини ўрганишга киришди. Бир йил ўтмасдан инглиз тилини бинойидек ўрганиб олди ва ҳозир шу соҳа бўйича университетда шуғулланмоқда. У айни пайтда инглиз тилининг туркий тиллар билан алоқаси мавзуида илмий иш билан банд.

Ҳозир Эргашевларнинг уч фарзандари бор. Тўнғич ўғил Беҳзод, ундан кейин Улуғбек ҳам ота-онаси йўлидан бормоқда. Ҳар иккиси инглиз тилини пухта эгаллашган ва мактабда аъло ўқишаяпти. Кенжатой Севара ҳам беш ёшидаёқ бу тилни мукаммал эгаллаб улгурди. Лекин болалар океан ортида, олис хорижда яшашса-да, ўзбек тилини, ўзбек халқи намоёндалари-ю, мумтоз шоир ва ёзувчиларини, буюк ўтмишларини яхши билишади. Оналари бу борада уйда алоҳида машғулотлар олиб боради. Шугина эмас: Сайёрахон ва Баҳодиржон фарзандларига ўзбек халқининг ўзига хос урф-одатларини ҳам диққат билан ўргатиб боришади. Ҳайитлар ва миллий байрамларни оилавий нишонлашади. Америкада яшовчи ватандошлар билан алоқалар ўрнатишган. Ана шундай қутлуғ кунларни ўғил-қизлари, ватандошлари даврасида ўтказишади. Бундай кунларда Сайёрахон атлас кўйлак кийиб олса, Баҳодиржон ва ўғил-қизлар ҳам миллий кийимларда бўладилар. Ош дамлаб таниш-билишларни меҳмонга таклиф этишади.

...Чол-кампирнинг юбилейлари куни, ҳамқишлоқлар эндигина тушлик дастурхонига ўтиришганларида қора рангли «Нексия» дарвоза ёнига келиб тўхтади. Эр-хотин Баҳодиржон ва Сайёрахоннинг қўлида катта гулдаста. Чол-кампир ҳаяжондан ўринларидан тура олмай қолишди. Америкалик меҳмонлар чол-кампир ва жигарғўшалар қучоғига отилдилар. Ҳовли тўйхонага айланди. Карнай-сурнай товуши авжига чиқди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Сўнгги қўнғироқ

ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Афанди нима дейди?

ХАЙРИЯТ, КЎЗИНГ БОР ЭКАН

Афанди бозор айланиб юриб, мевафурушлар растасига кириб қолди, қараса: ўрик қоқи, турли-туман майизлар, писта, бодом, нок, узум ва бошқа мевалар уюлиб ётибди-ю, сотувчилари қимирламай ўтиришибди. Афанди ҳассаси учини бир баққолнинг кўзи олдига олиб борди. Бундан чўчиган баққол:

– Э бадбахт, қанақа одамсан, кўзимга тиқиб оласан-ку! – деди.

Афанди ҳамма эшитадиган қилиб деди:

– Ахир кўзларингиз бор экан-ку, нега бу мевалардан емай ўтирибсиз?

ХАСИС

Бир хасис одам ҳар кўрганда Афандини ёлғондан уйига таклиф қилар эди. Афанди бир куни: «Қани, шу хасисникига бир борайчи» деб, унинг уйига борди. Хасис болохонасида кўчага қараб ўтирар эди, узоқдан Афандини кўрди-да, уйига тушиб хотинига тайинлади:

– Бизникига Афанди келаётибди. Мени чақирса, уйда йўқлар, кўчага чиқиб кетган эдилар, дегин.

Афанди келиб, унинг эшигини тақиллатган эди, хотини чиқиб, унга эри тайинлаганча жавоб қилди.

– Эрингизга айтиб қўйинг, - деди Афанди. – Кўчага чиқиб кетаётганларида каллаларини болохоналарининг деразасига қўйиб кетмасинлар.

ДАМ ОЛАМАН

Афанди бир ёққа кетаётган эди. Кун жуда исиб кетди-да, бир дўконга кириб ўтирди. Баққол:

– Ҳа, Афанди, нима оласиз? – деган эди, Афанди баққолга қараб:

– Дам оламан! - деди.

НОН ХАМИРДАН БЎЛАДИ-ДА!

Афанди нон сотар эди.

– Нонингиз нуқул хамир-ку! - деди харидорлардан бири.

– Ҳа, нон хамирдан бўлмай, нимадан бўлади, - жавоб берди Афанди.

ТЕАТРНИНГ ИККИ ДАСТУРИ

Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет катта театрида мазкур ижодий жамоанинг иккита янги дастурига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

29 ва 31 май, 7 июн кунлари театрда Пьетро Масканьининг бутун дунёга машҳур «Қишлоқ обрўси» операсининг премьераси бўлади. Бу премьерани театрнинг опера гуруҳи буюк италиялик бастакор Пьетро Масканьи таваллудининг 140 йиллигига бағишлаган.

Бу опера биринчи марта 1890 йил 17 майда Римда саҳналаштирилган. Опера қаҳрамонларининг ёрқин ва ҳаққоний ҳиссиёти «Қишлоқ обрўси»ни жаҳоннинг энг машҳур операларидан бирига айлантирди. У Милан, Париж, Нью-Йорк, Москвадаги нуфузли театрлар репертуаридан жой олган. Тошкентда операнинг мусиқий раҳбари ва дирижёри - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Анвар Эргашевдир.

Театрнинг иккинчи катта дастури - Ўзбекистон халқ артисти Галия Измайлова ижодий фаолиятига бағишланган кеча. Бу йил Г.Измайлова 80 ёшга тўлади ва ижодий фаолиятини бошлаганига 60 йил бўлади.

Бу ажойиб санъаткорнинг исми мамлакатимиздан узоқларда ҳам яхши таниш. Унинг истеъдоди ва санъати ҳаммани ром этган, уни Англия, Франция, Германия, Лотин Америкаси мамлакатлари, Япония, Австралия томошабинлари олқишлаган. Унинг номи жаҳон санъат ва маданият арбоблари қомусига киритилган. Классик балет партияларини ижро этиш билан бирга, у жаҳон халқлари рақсларини ҳам маҳорат билан ўйнарди.

Ватанимиз мустақиллиги йилларида унинг ижодий фаолияти мамлакатимиз раҳбарияти томонидан юқори баҳоланди. У «Дўстлик» ордени ва «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

21 июн куни Алишер Навоий номидаги театрда балерина, балетмейстер, педагог Г.Измайлованинг катта мусиқали кечаси ўтказилади.

(ЎзА)

Тож киймаган чемпионлар

ЛАБУРДОННЭ

Шоҳмот тарихида ёрқин из қолдирган «ақл ўйини» усталари орасида олдинги ўринлардан бири ҳақли равишда франциялик Луи Шарль Лабурдоннэга тегишлидир.

Афсуски, бу таниқли шоҳмотчининг ҳаёт йўли ва фаолияти тўғрисида жуда кам маълумотлар сақланиб қолган. Масалан, баъзи бир манбаларда унинг 1795 йилда, бошқаларида эса 1797 йилда туғилганлиги айтилади. Фақат шуниси аниқки, Лабурдоннэга бой дворян хонадони фарзанди сифатида отасидан катта мерос қолган. Лекин меросхўр унчалик толеи баландлардан чиқмади ва бечораҳол қашшоққа айланди. Шундан кейин у шоҳмотни тирикчилик ўтказиш манбаига айлантиришга аҳд қилди.

Ўша вақтларда шоҳмот унчалик урф бўлмагани, шунингдек, зодагонларнинг бу ўйинга бўлган муносабати илиқ эмаслигини ҳисобга олсак, бу қарор қанчалик дадил бўлмасин шунчалик қалтис ҳам эди. Лабурдоннэнинг умри охирига қадар озгина бўлса-да фароғат кўрмаганлиги, қийинчиликда яшаганлигини шу билан изоҳлаш мумкин. Тўғри, шоҳмот туфайли у шон-шуҳрат ҳиссини тотиб кўрди. Бироқ бу унинг моддий аҳволига асло таъсир кўрсатмади. Бир амаллаб кун кечириш учун у қаҳвахоналарда пул тикиб шоҳмот ўйнашга мажбур бўлди.

Лабурдоннэ замонида Европанинг кучли шоҳмотчиси масаласи асосан Англия ва Франция пешқадамлари ўртасидаги яккама-якка баҳсда ҳал этиларди. Бошқалардан устун эканлигини исботлаш унинг учун ўз юртида унчалик қийинчилик туғдирмади. Машҳур шоҳмотчи А.Дешапел 1824 йилда уни ўзининг ҳақли вориси деб эълон қилиш билан бирга Луи Шарлга Франция шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам топширди. Лекин франциялик шоҳмотчининг маҳоратини тан олишни хоҳламайдиган англияликлар ҳали кўп эди. Улар шоҳмот тахтаси узра яккама-якка «олишув»ни талаб этардилар. 1824 йили Лабурдоннэ ўз иқтидорини намойиш этиб, кучлилигини исбот қилиб берди. Бироқ бу тан олиниш йўлидаги дастлабки қадам эди, холос.

«Европанинг энг буюк шоҳмотчиси» деган шуҳратни унга ўн йилдан кейин англиялик машҳур шоҳмотчи А.Мак-Доннель билан Лондонда ўйналган матчлар келтирди. Жами олтита матч ўйналиб, Лабурдоннэ шундан тўрттасида ютди. Очколардаги катта фарққа қарамай, иккала шоҳмотчи ҳам ажойиб ўйин намойиш қилдилар. Орадан анча йиллар ўтгач, Чигурин «Шахматы» журналида 38 та шарҳланган партияни эълон қила туриб, мазкур матч иштирокчилари ижодига юқори баҳо берди: «Ўтмишнинг ёрқин илҳомлари». П.Морфи эса матч партияларини шарҳларкан, уларни «Шоҳмот стратегиясининг ажойиб намуналари» деб атади.

Ҳа, бу тарихий беллашув иштирокчилари бирбирларига муносиб рақиб эдилар. Аммо ҳарқалай Лабурдоннэ позицияни тушуниш, белгиланган режани амалга оширишдаги изчиллик борасида рақибидан устунлик қиларди. Лабурдоннэнинг комбинациялари мустаҳкамроқ позициявий асосга таянарди. Комбинация санъати унинг ижодида позициявий кураш усуллари билан уйғунлашиб кетар, бу эса шоҳмот тафаккури тараққиётида янги поғона эди.

Дарвоқе, Лабурдоннэнинг шоҳмот матбуоти олдидаги хизматлари ҳам каттадир. У жаҳонда биринчи шоҳмот журнали – «Le Palamede» (1836 йил)-га асос солди. Ушбу журнал нашр этилишидан уч йил олдин эса Парижда унинг «Шоҳмот ўйини ҳақида энг янги шакл» деган дарслиги босмадан чиқди.

Лабурдоннэ умрининг сўнгги кунлари ғоят ачинарли ниҳоя топди. 1840 йили қаттиқ бетоб, ёнида бир чақаси йўқ Лабурдоннэ сўнгги бор Лондонга келди. Бундан хабар топган дўстлари унга ёрдам қўлини чўздилар. Пул йиғиб, бемор шоҳмотчини ғарибона кулбадан яхши хонага ўтказдилар. Унинг атрофида энг яхши шифокорлар парвона бўлдилар, бироқ кеч эди. 1840 йил 13 декабрда Лабурдоннэ оламдан ўтди.

Ойбек ДАМИНОВ
тайёрлади



Маҳоратингизни синаб кўринг. Иккала кўринишда оқлар бошлаб, 3 юришда ғалабага эришади. Сиз қандай ўйнардингиз?

КРОССВОРД



Ёйлар бўйича: 1.Вафодорлик. 2.Оммавий байрам томошаси. 3.От туси. 4.Ёзнинг иссиқ ойи. 5.Кимёвий элемент, кумушсимон оқ металл. 6.Марварид ҳосил қилувчи денгиз жонивори. 7.Чорва озуқаси. 8.Ўзбек эстрада хонандаси. 9.Нефт маҳсулоти. 10.Юқоридаги идишдан пастдагисига суюқлик ўтказувчи мослама. 11.Олинган фойдадан давлат ҳисобига тўланадиган маблағ. 12.Тинч океанидаги оролларга жойлашган мамлакат. 13.Фашизмга қарши уруш қўмондони, рус саркардаси. 14.Дарё бўйи. 15.Мусобақанинг бошланиши. 16.Кремний кислотасининг тузи, саноат ашёси. 17.Ранги яшаш жойига мослашадиган, бўйнида ёли бор йиртқич. 18.Марта, карра. 19.Сувсиз, биёбон маскан. 20.Қишки олимпия ўйинлари бўлиб ўтган Япониядаги шаҳар. 21.Аёллар кўйлаги. 22.Саломатлик асосларидан бири. 23.Ип газлама. 24.Наврўз таоми. 25.Индонезия таркибидаги орол. 26.Ўзгалардан ҳеч нарсани аямайдиган инсон. 27.Шуҳратнинг «Олтин зангламас» романи қаҳрамони. 28. Қамишсимон бўғимли кўл ўсимлиги.

МУАММОНОМА

Шакл атрофидаги рақамларда «Оталар сўзи» нодир асаридан келтирилган ҳикматли сўзлар яширинган. Уларни қуйидаги очқич сўзлар ёрдамида билиб олинг.

1.Самарқанд шаҳри тарихига оид нодир асар. – 5,1,9,1,7,2,13.

2.Буюмга пардоз бериш – 5,1,15,12,1,8.

3.Товуш, соз – 5,1,4,3.

4.Парранда – 12,10,14.

5.Сабзавот экини – 5,1,6,11,2.

Ф.ОРИПОВ
тузди

Бу — қизиқ!

СОЧЛАРИ БЎЙИ БИЛАН БАРОБАР

Кишинёвлик Катя исмли қизнинг сочи тақимини ўпар, синфдошлари эса бунга ҳасад ҳам қилишарди. Сартарошлар узун сочни қиммат пулга сотиб олишларидан хабар топган икки безори синфдош қизга аввалига яхшиликча муомала қилишди.

- Сочингни бизга сот - дейишди ёлвориб. Турган гапки, Катя бунга рози бўлмади. Ахир «соч эмас, бу шаршара» эди-да. Афсуски, безори йигитлар ерости йўлидан шўрлик қизни додлатиб,сочини қирқиб кетишди.

Бундан ортиқ бедодлик бўладими!

* * *

Сув париси эртакларда талқин қилинарди. Ҳаётда эса у мавҳум бир қаҳрамон холос.

Ана шу мавжуд бўлмаган нозанин Норвегиядаги Ставенгер шаҳри яқинидаги порт қирғоғида ҳар куни кўриниш берарди.

Сайёҳлар уни узоқдан кузатиб, маҳлиё бўлиб қолишарди. Сочлари бўйи билан баробар, танасининг иккинчи ярми ялтир-юлтир мато билан беркитилганди.

Қисқаси, сайёҳлар назаридаги ҳақиқий сув париси — 37 ёшли, икки фарзанднинг онаси Линахоним Оксенева эди. Афсуски, у сув париси ролини фақат ёзги мавсумдагина ижро этган.

«БУХОРЧА» - ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Пойтахтимизда «Чарх-2003» анъанавий ўзбек рақси фестиваль-танлови ниҳоясига етди. У Швейцария ривожланиш ва ҳамкорлик агентлиги, Швейцариянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилди.

«Ўзбек рақсининг ўзига хослигини сақлаб қоламиз» шиори остида ўтган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ўзбек анъанавий рақси ижодий жамоалари иштирок этди.

- Ҳар бир халқ рақсида миллатнинг қиёфаси, маънавияти акс этади,- дейди Ўзбекистон халқ артисти Қундуз Миркаримова. -Миллий рақс санъатимиз ўзининг бетакрорлиги, нафислигию жозибадорлиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳам рақсларимиз мамлакатимиздан олисларда ҳам машҳурдир. Танлов иштирокчилари ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос анъанавий рақс услублари, либослари ва шу билан бирга куй-қўшиқларини моҳирона намойиш этди.

Танловда Бухоро вилоятининг «Бухорча» рақс жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилди.

Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси «Тошвилоятавтотеххизмат» ҲЖ раиси Эркин Обидовга акаси

Маҳмуд ОБИДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17449 Буюртма Г— 373.